



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2007 йил 1 декабрь, № 238 (4391)

Шанба

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 30 ноябрь кuni Оқсаройда Вьетнам Социалистик Республикаси, Бангладеш Халқ Республикаси ва Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчилари этиб тайинланган — Ле Ван Тоан, Муҳаммад Ҳасиб Азиз ва Жюг Перне ишонч ёриқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёриқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошалаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон — Вьетнам муносабатлари изчил ривожланмоқда. Президент Ислам Каримовнинг 1996 йилда Вьетнамга расмий ташрифи чоғида ўзаро алоқаларнинг тамал тоши қўйилиб, ҳамкорликни кенгайтиришнинг ҳуқуқий асоси яратилди — мамлакатларимиз ўртасида Давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартнома, шунингдек, гуманитар, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Вьетнам қўшма комиссияси тuzилган. 2007 йил октябр ойида Ханойда унинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. “Ўзбекистон — Вьетнам” ҳамда “Вьетнам — Ўзбекистон” дўстлик жамиятлари фаолият кўрсатмоқда.

Вьетнам томони Ўзбекистоннинг илм-фан ва таълим соҳасидаги улкан салоҳиятини назарда тутиб, олий ўқув юрталари, илмий-тадқиқот институтлари ва академик доиралар ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш ташаббусини илгари сурмоқда. Иқтисодий соҳада кимё саноати, пахтачилик, нанотехнологиялар, энергетика каби йўналишлардаги ҳамкорликни кенгайтиришга катта қизиқиш билдиради. Мамлакатимизда Вьетнам сармоядорлари билан ҳамкорликка очилган “Донг Шон”, “Силк Индастриз”, “Иритек Инжиниринг” каби қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Сайёҳлик соҳасидаги имкониятларни тўла ишга солиш икки томон учун ҳам фойдаландир.

Вьетнам элчиси Ле Ван Тоан халқларимизнинг тарихан қарор топган дўстлиги мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлаётганини ва юртимиздаги фаолиятни мубоайнага бу ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўлиш учун куч-ғайратини ямаслигини таъкидлади.

Бангладеш Ўзбекистон мустақиллигининг биринчилар қаторида тан олган давлатлардандир. Жорий йилнинг октябр ойида мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 15 йил тўлди. Ўзбекистон ва Бангладеш ташқи сиёсат маҳамалари ўртасида халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш йўлига қўйилган. Иқтисодий соҳадаги алоқалар савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисидаги ҳуқуқматларо битимларга асосланган. Ўзбекистонда Бангладеш сармоядорлари билан ҳамкорликда тuzилган ўнга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Бангладеш элчиси Муҳаммад Ҳасиб Азиз ўзбек ва бенгал халқларини маданий ва маънавий яқинлик муносабатлари бирлаштириш, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиётганини таъкидлаб, ўз миссияси давомида савдо-иқтисодий алоқалар қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Франция ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин ўтган даврда Тошкент ва Парижда уч марта Ўзбекистон — Франция саммитлари бўлиб ўтди. Икки мамлакат раҳбарлари халқаро ташкилотларнинг саммитлари доирасида ҳам бир неча бор учрашган. Ўзбекистон ва Франция ўртасида парламентлар, ташқи сиёсат, ташқи савдо, мудофаа маҳамалари, қатор бошқа вазирлик ва идоралар делегацияларининг мунтазам ташрифлари йўлга қўйилган. Франция Сенатида “Франция — Марказий Осиё”, Миллий йиғинида эса “Франция — Ўзбекистон” депутат гуруҳлари фаолият кўрсатади.

Савдо-иқтисодий соҳада Франция Ўзбекистоннинг Европадаги йирик шерикларидан. Ўзбекистонда ўндан ортқ Франция фирми ва компаниясининг, “Креди Коммерсиаль де Франс” ва “Со-сьете Женераль” банкларининг ваколатхоналари очилган. “Миришор” (чигитни қайта ишлаш), “Кофра” (пойабзал ишлаб чиқариш) каби қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда. Бу йўналиш макроиктисодий, молия сектори, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари учун кадрлар тайёрлашни ўз ичига олади. Академик доиралар ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилган — Франция Давлат маъмуриятининг халқаро институти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбек ва француз мутахассислари қўш энергиясини ўрганиш, юқумли касалликларга қарши курашиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг серхосил навларини яратиш борасида қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда.

Франция элчиси Жюг Перне ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг улкан имкониятлари мавжуд эканлигини таъкидлаб, уларни тўлиқ ишга солиш йўлида куч-ғайратини ямаслигини қайд этди.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



30 ноябрь кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси оchildи. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, ўтказилаётган ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалаларга фаолиятли дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров бошқарди. Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан киритилган амнистия тўғрисидаги масалани қўриб чиқишдан бошладилар ва унинг юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар. Бу ҳўжат инсонпарварликнинг ёрқин намунаси, суд-ҳўққ соҳасидаги ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг яна бир далили эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджетни қўриб чиқилди. Мўҳокама асосида Давлат бюджетни иқтисодий ислохотлар устувор йўналишларини ҳисобга олиб тайёрланганлиги ҳамда макроиктисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга, иқтисодий ва иқтисодий соҳаларни янада ривожлантиришга қаратилганлиги алоҳида уруғ берилди.

Мамлакат асосий молиявий ҳўжатининг ҳаражатлар қисмида иқтисодий сиёсат соҳасидаги устувор вазифалардан бири сифатида бюджет ташкилотлари ҳодимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш тамойилини сақлаб қолиш назарда тутилмоқда.

2008 йилги инвестиция дастурини амал-

га ошириш доирасида қўриб чиқилган Давлат бюджетида назарда тутилган маблағларнинг асосий қисми умумтаълим мактабларини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашга доир давлат мақсадли дастурларини амалга оширишга йўналтирилди.

Қишлоқ ҳўжалигини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилади. Қишлоқ ҳўжалик ерларининг мелiorатив ҳолатини яхшилашга мўлжалланган маблағлар аниқлаш йўналишида, умумдорлиги юқори бўлмаган ерларда қишлоқ ҳўжалиги юқори етиштирувчи фермер ҳўжалиқларини қўллаб-қувватлашга доир мақсадли маблағлар ҳам назарда тутилмоқда. Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджетини маъқуллашди.

Сўнгра парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартда қабул қилинган “Жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-24-сонли Қарорига мувофиқ тайёрланган “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқдилар.

Қонунни мўҳокама қилиш асосида ушбу ҳуқуқий ҳўжат солиқ сиёсатини шакллантиришнинг амалиётда синонад ўтган принциплари, адолатлиги, солиқ солишининг мажбурийлиги, адолатлиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳўжатларининг ошқоралиги ҳамда солиқ тўғрисида-

ги қонун ҳўжатларидаги бартароф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршилиқларга ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинишини назарда тутишни солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларида асосланганлиги кўрсатиб ўтилди. Солиқ кодекси солиқ бошқаруви нормаларини қарама-қаршилик билан қўриб чиқилган ҳисоблаб чиқариш қоидалари ҳамда тўлаш тартибининг имкон қадар соддалаштиришни ва бир хиллаштиришни назарда тутиди, тадбиркорлар ўз бизнесларини ўртача мuddатда ривожлантиришни асосли тарзда прогност қилишларига имкон беради. Сенаторлар ушбу Кодекс ўзиде мавжуд солиқ нормаларининг бутун тизимини жамлаган дея таъкидладилар. Юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини маъқулладилар.

Сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳўжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам қўриб чиқдилар.

“Жамоат фондлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам сенаторлар томонидан қўриб чиқилди. Қонуннинг асосий мақсади “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини 24-моддасининг учинчи қисмидаги ҳамда “Ҳўмийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Респуб-

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Биринчи марта содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
в) 60 ёшга тўлган эркаклар;
г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик оқрасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳўққ қилинган шахслар, башарти улар иқтисодий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Мазкур Қарор қўлга киритилган қадар бир йилдан ошмаган мuddат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ноқиронлари деб топишган шахслар (жавобгарлиги оғирлаштирилган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодлиқдан маҳрум этиш жазосига қабул қилиниб, ўталмай қолган жазо мuddати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳўққи мазкур Қарор эълон қилинган кўнга қадар қонуний қўлга кирган маҳкумлар (жавобгарлиги оғирлаштирилган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган мuddатда

6. Мазкур Қарорнинг 1-банди — ўта оғир жиноят содир этган шахслар, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган чет эл фуқаролари бундан мустасно;

7-бандлари — таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланганларга.

9. Сенатнинг ушбу Қарорини амалга оширилиши юзасидан маъсулият Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кўндан эътиборан қўлга киритилган ва ун ой мубоайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 30 ноябрь

Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов 30 ноябрь кuni Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди.

АКМАЛ САИДОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ
Нукус шаҳрида ўтган учрашуви Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказуви 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссиясининг раиси С. Кудайбергенов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Бердақ номидеги Қорақалпоғистон давлат университетини декани Е. Қўтибоева йиғилганларни номзоднинг таржimai ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Иқтисодий, иқтисодий-сиёсий, суд-ҳўқққ тизими, фан, таълим, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар изчил давом этмоқда. Демократияни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, уларнинг қомил инсон бўлиб воғга етиши йўлида салмоқли ишлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А. Саидов нўтқ сўзлади. Учрашувда сўзга чиққан Нукус шаҳридаги 15-“Элобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қалбой Беканов, Қорақалпоғистон давлат университетининг иқтисодий фанлар кафедраси ўқитувчиси Сейтмурад Қўқоров ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловни кўп партиявийлик ва альтернатив асосда, жумладан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан қўрсатилган номзод иштирокида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётганидан, миллий сайлов тизимини халқаро нормаларга тўла мос қилишдан дилолат эканлини алоҳида қайд этдилар. Сайловчиларини 2007 йил 23 декабрь кuni бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда фаол иштирок этишга чақирдилар.

С. РАҲМОНОВ,
“Халқ сўзи” муҳбири.
А. ОРТИҚБОВ,
ЎА муҳбири.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Тошкентдаги “Ўзэкспомарказ”да “Россия — Ўзбекистон: стратегик ҳамкорлик” мавзудаги Россия миллий кўргазмаси давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлиги ҳамда икки мамлакатнинг Савдо-саноат палаталари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Россиянинг Олтой ўлкаси, Чуваш Республикаси, Пенза, Самара, Тюмень, Ярослав, Волгоград, Томск, Челябинск, Саратов,

Ленинград, Новосибирск вилоятлари каби ўн етти субъектидан икки юзга яқин йирик компания ва корхона ўз маҳсулотлари ҳамда хизматлари билан иштирок этмоқда. Кўргазма юртимиз ишбилармонларига Россия корхоналарида илгор технология усуналар асосида ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари, қишлоқ ҳўжалиги техникаси, трактор ва комбайнлар, оғир юк ташувчи ва енгил автомобиллар, металлургия, мебель ва мебель фурнитураси, дори-дармон, қандалот маҳсулотлари, энергетика, нефть-газ, кимё, авиа-космик, қончиллик ва саноатнинг бошқа тармоқларида ишлатиладиган усуналар, қурилма ва буюмлар билан танишиш ҳамда ўзаро манфаатли шартномалар тузиш имконини бermoқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳам-

ТУРМУШ МАДАНИЯТИ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида “Қишлоқда турмуш маданиятининг иқтисодий-гигиеник ва экологик жиҳатлари” мақсадли дастурининг Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида ижроси юзасидан жамоатчилик эшитиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, вилоят ҳокимликлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ҳодимлари иштирок этди.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиги қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Юртимизда олиб борилаётган инсонпарвар ислохотлар туфайли бу ерларда аҳоли турмуш маданияти кўтарилиб, қишлоқлар тобора ободонлашиб бормоқда. Дейлик, Тошкент вилоятида 539 та тиббий муассасаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, биргина жорий йилнинг ўтган дав-

рида яна учта қишлоқ врачлик пункти, битта юқумли касалликлар шифонаси қурилиб фойдаланишга топширилди. 2003-2007 йилларда бунёд этилган 54 та спорт иншоотининг 45 таси айнан қишлоқ жойларидадир. Чекка қишлоқлар аҳолисини ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар бажа-

рилгани туфайли санитария-гигиеник ҳолат янада яхшиланди. Худди шунингдек, Қашқадарёда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, қишлоқ аҳолисини сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 1996-2006 йилларда 252 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. 2007 йилнинг ўтган даври мубоайнида 58 та ўрнига 96 та савдо шохобчаси ишга туширилди. Эътиборлики, уларнинг 76 таси қишлоқ ҳудудларида жойлашган. 423 та сервис хизмати кўрсатиш шохобчасининг очилиши эса қишлоқларда қўллаб-қўғи иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.

Бирок тадбир ташкилотчиси — “Экосан” халқ-

аро ташкилотнинг раиси Ю. Шодиметовнинг таъкидлашича, ана шу ютуқлар баробарида муаммолар ҳам учраб турибди. Мисол учун, айрим қишлоқларда санитария-гигиеник ва экологик аҳвол ҳаман пастлиги кузатишмоқда. Айниқса, маъиш хизмат кўрсатиш соҳаси талаб даражасида эмас.

Анжуманда сўз олган мутахассислар мавжуд камчиликларни бартароф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Яқунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларнинг “2008-2010 йилларга мўлжалланган қишлоқда турмуш маданиятининг иқтисодий-гигиеник ва экологик жиҳатлари” мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тақлифи қабул қилинди.

С. РАҲМОНОВ,
“Халқ сўзи” муҳбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Йўловчи самолёт ҳалокати



Кеча тонгда Туркиянинг AtlasJet авиокомпаниясига қарашли йўловчи самолёт ҳалокатга учради.

У «Истанбул — Испарта» йўналиши бўйича парвоз қилаётганди. Маълумотларга қараганда, ҳаво лайнерида 49 нафар йўловчи ва 7 нафар экипаж аъзоси бор эди.

CNN-Turk телеканалнинг хабар беришича, самолётнинг қулаб тушиши натижасида экипаж аъзолари ва барча йўловчилар ҳалок бўлган. Ҳозирда ҳукумат комиссияси ҳалокат сабабларини ўрганмоқда.

Ҳарбийлар Ироқни тарк этади

Австралия кўшинлари 2008 йилнинг ўрталарида Ироқни тарк этади. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Кевин Руднинг сўзларига таяниб, «AP» хабар тарқатди.

си галаба қозонгандан сўнг Бош вазир лавозимини эгаллади. Ироқдан кўшинларни олиб чиқиш кетиши, у бошқик партиянинг сайловда дастуридаги асосий йўналишлардан бири эди.

Рудд бундан бир ҳафта бурун бўлиб ўтган парламент сайловида ўзи бошчилигидаги Меҳнат партия-

Хозир Ироқда 550 нафар австралиялик ҳарбий хизматчи бор.

Сайлов яна кечиктирилди

Ливанда шу йилнинг 30 ноябрга белгиланган Президент сайлови 7 декабрга қўйилди. «AFP» хабарига айтилишича, фракциялар билан музокаралар олиб бориш ва бир тўхтама келиш учун парламент спикери шундай қарор қабул қилган.



Шу йилнинг сентябридан буён сайлов олтинчи марта кечиктирилди. Ливан қонунчилигига биноан, Президент парламент томонидан сайланади. Овоз беришда 127 депутатнинг камиди 85 нафар иштирок этиши лозим. Номзод учдан икки қисм овоз оласа, Президент этиб сайланади.

Учрашишдан бош тортди

Польшанинг янги ташқи ишлар вазири Радослав Сикорскийни мамлакат президенти Лех Качинский 29 ноябрь кунини ўз қароргоҳига таклиф этган эди.

Лекин вазир мамлакат раҳбари билан учрашишдан бош тортди. У президент девонхонасига факс жўнатиб, бу ҳақда маълум қилди. Лекин қарори сабабини кўрсатмади.

Телефонлар

арзонлашгани туфайли



ларига қараганда, бугунги кунда ер юзюда 3,3 миллиард киши мобил алоқа хизматидан баҳраманд бўлмоқда.

Кейинги йилларда арзон телефонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, ривожланаётган мамлакатларда ҳам бу алоқадан фойдаланувчилар сони кескин ошди.

Ма-салан, 1987 йилда 35 мамлакатда мобил алоқа хизмати бор эди. Бугунга келиб эса бундай давлатлар сони 224 тани ташкил этмоқда.

«F-15» парвози таққиланди

АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари F-15 самолётларининг парвозини таққиллаб қўйди. «Associated Press» хабарига қараганда, жорий йилнинг 2 ноябрь кунини шу рўсулдаги самолёт қулаб тушгандан сўнг ана шундай қарор қабул қилинган.

Эслатиб ўтамиз: F-15 1975 йилда АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари сафидан жой олган.

Ҳибсдаги миллионер

Хитойнинг энг бой одамларидан бири Чжоу Чжэньи коррупцияда айбонлиб, 16 йилга озодликдан маҳрум этилди. «Forbes» журнали кайд этишича, Чжоу Чжэньининг бойлиги 320 миллион АҚШ долларини ташкил эта-

ди. У Хитойнинг энг бой одамлари рўйхатида 11-ўринни эгаллади.

Чжоу Чжэньи ўтган йили Шанхай ижтимоий суғурта фондига содир этилган юлғичлик иши бўйича ҳибсга олинган эди.

Чемпионнинг уйига ўғри тушди



Москвада шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карповнинг уйига ўғри тушди. Бу пайтда Карпов Испанияда эди. Эшикка ўрнатилган сигналлашчи ишлаб кетган, ўғирлик содир бўлган жойга милиция ходимлари етиб келишди.

Лекин бу пайтда ўғирлар қочиб қолмаган эди. Собиқ чемпионнинг таъкидлашича, ўғирлар унинг уйдан мамонт тишидан ясалган шахмат доналарини ўғирлаб кетишган.

Бойкот бекор қилинади

Маълумки, келгуси йилнинг 8 январь кунини Покистонда Парламент сайлови бўлиб ўтади. Муҳолифатдаги Халқ партияси раҳбари Беназир Бхутто ўз тарафдорларини мамлакатдаги фавқулодда ҳолат бекор қилинмайдиган бўлса, ушбу сайловни бойкот этишга чақирган эди.

дан Покистонда фавқулодда ҳолат бекор қилишини маълум қилди. Шу муносабат билан Бхутто баёнот берди. «Биз энди сайловда қатнашишимиз керак. Агар Президент сўзининг устидан чиқ-маса, байкотни давом этти-рамай», деди у.

Яна бир собиқ Бош вазир Наваз Шариф тарафдорлари эса сайловда қатнашмоқчи эмас.

Президент Первез Мушарраф шу йилнинг 16 декабри-

дан Покистонда фавқулодда ҳолат бекор қилишини маълум қилди. Шу муносабат билан Бхутто баёнот берди.

Хоржи матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Янги йилни яқинлаштиринг!



MTC компанияси барчани кириб келаётган Янги йил билан табриқлайди ва янги йил акциясининг «Янги йил рақамлари» ва «Янги йил SMSлари» хизматларини ишга тушириш ҳақида эълон қилади.

Тунги мулоқотни ёқтира-диганлар учун MTC 2007 йил 1 декабрдан бошлаб «Янги йил рақамлари» хизматини таклиф этади. Акциянинг ҳар бир қатнашчиси ўз «Янги йил рақамлари» рўйхатини тузади ҳамда ушбу рўйхатга Ўзбекистонда MTC абоненти бўлган 10 нафар дўстининг рақамларини киритади.

SMSлари» хизматини таклиф этади. 2007 йил 1 декабрдан бошлаб, MTC абонентлари шанба ва якшанба кунлари исталган MTC рақамига SMS-хабарлар юборишлари мумкин.

Мебель ва мебель маҳсулотлари истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчилари, ташкилотлар, улгуржи савдо корхоналари ва хусусий тадбиркорлар диққатига! 2007 йил 4 — 6 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Файзмебелкўргазмасавдо» биносида республика миқдосидаги МЕБЕЛЬ ВА МЕБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЕТАКЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ бўлиб ўтади.

Курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва улардан фойдаланувчи, мулкчилик шакли турлича бўлган корхона ва ташкилотлар диққатига! 2007 йил 4-6 декабрь кунлари «ЎЗКУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ» АК 2008 йилда қурилиш материалларини етказиб бериш учун шартномалар тузиш бўйича ярмарка ўтказлади.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2008 йил 2 январь кунини соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қуймоқда:

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ НАВОЙИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ нархи босқичма-босқич ўсиб боровчи очиқ аукцион савдоларига таклиф этади. Очиқ аукцион савдоси 2007 йил 25 декабрь кунини соат 10.00 да ўтказилади.

... Унинг гулдек умри хазон бўлди. Бир йилгина муқаддам бу қиз барчанинг хавасини келтирадиган, одооба ҳам, ҳусну малохатда ҳам тенгис саналарди. Бугун-чи?.. Бугун нобакор эринг дастидан унинг ойдайд чехрасига дард соя солган, оқуниқидай ғўзал ва қаро кўзлар киртайиб, нурсизланган. Уни ҳибнат шу кўйга солди. Уни разолат оғир дардинг беғубоҳ турбонига айлангирди. Турмуш курганига ҳали йил тўртинчи тушиб, ҳаётнинг энг ширин, бетакорр дамларида бахтиёрлик завқини суриш ўрнига ҳасталик азобини тортаяпти, у. Тугилажақ гўдаги ҳам ёруғ олам узини кўрмай нобуд бўлди. Адаб юзасидан мен унинг исми-шарифини ошқор қилмайман, аммо бу қизнинг фожиали тақдирига гувоҳ бўлганимда қалбим ларзага келди... Тинч-осуда, фаровон кунларнинг қадрига етмай, тўқликка шўхлик қилган куёв-ийгит рафикасининг ҳам ҳаётини издан чиқарганлигини нима деб баҳолаш мумкин?..



1 декабрь — Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни

БИЛМАЙИН БОСМАНГ ТИКАННИ...

«XXI аср вабоси» деб ном олган бу ҳасталик, яъни Ортирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) сир эмас, бугун ўзини қадрламаган ёшларимиз ҳаётига раҳна солаётти. Ҳозирга қадар бу касаллик ер юзидан 20 миллиондан зиёд инсонни бевақт ажал гирдобига ирғитди. Шу кунга ҳам жондан ОИТС билан оғриганлар сонини 30 миллиондан ошиб кетди. Мамлакатимиз миқёсида эса 1987 йилдан шу йилнинг бошига қадар ОИТС ташхиси билан рўйхатга олинганлар 7000 дан зиёд кишини ташкил этади. Шулардан 78 фоизи эркаклардир.

— Бунинг сабаби оддий, — дейди биз билан суҳбатда Республика ОИТС Марказининг директор ўринбосари Ғулможон Ражабов. — Носоғлом турмуш тарзига мойиллик айрим эркаклар орасида кўпроқ учрайди. Айниқса, иммунитет танқислиги вирусининг юқишига олиб келувчи бош сабаб тивъандликдир. Айтиш жоизки, бу оғир ҳасталикка чалинишни камайтириш мақсадига юртимизда 200 дан ортиқ ишонч хоналари ташкил этилган. Бу ерда гиёҳванд модда истеъмол қилувчиларга бир марталик шприц бепул тарқатилади. Шунингдек, ружднос, тери-таносил касалликларни шифокор, гинеколог каби мутахассислар ушбу марказларга мурожаат қилган шахсларнинг манзили ва исми-шарифини суриштирмаган ҳолда керакли маслаҳатларини берадилар. Хусусан, бинининг муассаса қошидаги ишонч марказига ҳам кўплаб беморлар мурожаат қилишади. Қубонарлиси, мутахассисларимиз кўмаги билан айни пайтда тўқик соғлом турмуш тарзига қайтганлар сонини кундан-кунга ортмоқда. Яна

Аmmo амалда қўлланган тадбирлар, эришилган натижалар ўз йўлига. ОИВ ҳасталиги оғир дард, осуда ҳаётимизга ҳавф туғдирувчи иллат экани бугун ҳар бимизга аён. Унга қарши курашишга астойдил киришишимиз айни пайтда жуда муҳим. Шу боис, соғлом турмуш тарзига риоя қилиб, фарзандларимизда ёмон иллатларга нисбатан нафрат ҳиссини уйғота олайлик. Уларни қизиқтирган ҳар қандай савол бора-сида ота-оналардан тортиб, ўқитувчилар, маҳалла-қўй, оқсоқол қўни-қўшнилари асосли фикр ва хулосалар берсалар, болаларимизда тўғри тасаввур ҳрсил бўлиши шўбҳасиз. Шунда бу дард ҳеч кимнинг оstonасига яқин йўлмайди.

Шейра БОЙМУРОДОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод маънавияти, онгу шуурини миллиатимизга ёт мафқуравий хуружлардан асраб-авайлашда маданият ва санъатнинг роли гўят катта эканини алоҳида таъкидлаганди.

Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг умумий йиғилиши — курултойи бу борада ижодкорлар, жулмадан, мусавирлар зиммасида-

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

ги маъсулотили вазибаларга бағишланди. Бадий академия раиси, Бадий ижодкорлар уюшмаси раиси Турсунали Қўзиев, Ўзбекистон халқ рессоми Жавлон Умарбеков, Ўзбекистон санъат арбоби Владимир Бурмакин ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамоллигида мамлакатимизда ёш авлодига она-Ватанга мураббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш, эзгу ишлар сари даъват этишининг муҳим омилли сифатида миллий маданиятимиз ва санъатимиз ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Президентимизнинг 1997 йил 23 январда қабул қилган «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизда ташкил этилган Бадий ижодкорлар уюшмаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги бўлимлари миллий таърихий санъатнинг тарихий қадриятларига асосланган аъналарини янада ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, истиқлол йилларида юртимизда эришилган ютуқларни тарғиб ва ташвиқ атишимз ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Президентимизнинг 1997 йил 23 январда қабул қилган «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

моқда. Айни пайтда ўз таркибига салкам бир ярим минг нафар ижодхори биллаштирган уюшманинг рангтасвир, графика, халқ амалий санъати, амалий безак, ҳайкалтарошлик, плакат, безаклаш, миниатюра, санъатшунослик, телевидение, кино ва театр рассомлиги, дизайн, фоторассомлар ва ёшлар шўббалари самарали фаолият олиб бормоқда. Курултойда мазкур шўбба раҳбарларининг ҳисоботи тингланди ва атрафлича муҳокама этилди. Тадбирда мустақиллик йилларида барча жаҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, буюк бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти, эзгу гоғларни тарғиб этувчи, ба-

дий юксак асарлар яратиш ижодкорлар зиммасидаги долзарб вазифа экани таъкидланди. Курултойда ижодкорлар масъулиятини янада ошириш, миллий руҳ билан йўғрилган асарларнинг бадий қўямати, аҳамиятини ёш авлод онига етказишда мусавирлар, санъатшунос олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигини кучайтириш, бадий таълим тизимини янада такомиллаштиришга оид амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди. Курултойда Т.Қўзиев Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси раиси этиб қайтадан сайланди. Бир гуруҳ ижодкорлар Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.



«СУВ ПАРИСИ — 2007» СОВРИНДОРЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси сув спорти саройида синхрон сузиш бўйича аънавий «Сув париси» VIII халқаро турнири бўлиб ўтди

Уч кун давомида Россия, Қозоғистон ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 143 нафар сув спорти усталари гоғлиблик учун баҳс юритдилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур халқаро турнир спортнинг нафис ва гўзал турларидан ҳисобланган синхрон сузишнинг мамлакатимизда омалашшидада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фарғона, Андижон ва Сирдарё вилоятлари қизлари пойтахт дугоналари билан тенгма-тенг беллашишга ҳаракат қилишарди. Хусусан, андижонлик Муштарий Содикова ва Маълуда Ғаффорова, фарғоналик Малика Абдуқодирова сингари сузувчилар қўлига мусобақаларда совриндорлар қаторидан жой олаётганликлари ҳам бежиз эмас. Бу йилги турнирда Қашқадарё вилояти вакиллари биринчи марта қатнашаётган бўлиши-да, уларнинг сув узра нафис ҳаракатлари мутахассисларда катта таассурот қолдирди.

Яқунда гуруҳ беллашуви бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биринчи, Қозоғистон спортчилари иккинчи, Тошкент шаҳри жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Катта ёшли иштирокчилар орасида жуфтлик (дуэт) бақсларида вакиллари-миз Наталья Корнеева ва Валентина Попова жуфтликга тенг келадигани топилмади. 13-15 ёшли спортчилар орасида ҳам ўзбекистонлик Анастасия Рўзметова ва Динара Ибрагимова гоғли бўлишди. 12 ёшгача бўлган спортчилар беллашувида эса қозоғистонлик опа-сингил Екатерина ва Александра Немичлар шоҳуладан жой олишди. Катталар ўртасида яқалик (солло) бақсларида юртдошимиз Валентина Попова,

ва, 13-15 ёшли иштирокчилар орасида Анастасия Рўзметова, 12 ёшгача қизлар орасида эса қозоғистонлик Александра Немич муваффақият қозонди. Гоғлиблар Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Синхрон сузиш федерацияси, Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаларининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

ОЛИМПИАДА ЙЎЛЛАНМАЛАРИ УЧТАГА КЎПАЙДИ

Вьетнамда ўтказилган таэквондо ВТФ бўйича Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи халқаро турнирда ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли қатнашди. Жумладан, Ақмал Эргашев, Дмитрий Ким ва Осий ўйинлари ку-

муш медали совриндори Евгения Каримова ўз вази тоифаларида ғалаба қозониб, 2008 йил Хитой пойтахти Пекинда бўладиган нав-

батдаги ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритишди. Шундай қилиб, ҳозирча ўзбекистонлик спортчиларнинг Олимпиада йўлланмалари сонини 22 га етди.

Жамшед ТОҒАЕВ.

Озиқ-овқат, енгил саноат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилар, улгуржи базалар, истеъмолчилар диққатига! Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй, «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмасининг «Халқ истеъмолчи товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази» биносидан шу йил 4-6 декабрь кунлари

«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси. Телефонлар: 139-48-26, 139-46-03, 139-10-93, 139-12-82, 139-46-97.

«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси. «Егмойозиковаксаноат», «Ўзгўштсаноат», «Ўзбек-чармпоабзали», «Ўзэлтханоат» уюшмалари, «Ўзвин-саноат-холдинг», «Ўздонмаксаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўзкимбсаноат», «Ўзбекентгилсаноат» компаниялари, «Ўзметкомбинат» АИЧБ, республика Савдо-саноат палатаси, хусусий тадбиркорлар томонидан 2008 йилда ишлаб чиқариладиган гўшт ва сут маҳсулотлари, қандопат ва макарон маҳсулотлари, алкоғоли ва алкоғолинос ичимликлар, консервалар, қуруқ ва қайта ишланган мева-савзавотлар, шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари, маиший техника, қоғоз буюмлар, маданий ва ҳўжалик молларига республика ҳудудида жойлашган улгуржи базалар, савдо тармоқлари ва барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш учун республика улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.

Ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлари, улгуржи базалар, хусусий тадбиркорлар тақлиф этилади.

Бош муҳаррир ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терлид ҳамда операторлар Жамшед Тоғев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.30

Манзиллимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзинова. Навбатчи — С. Хайдаров. Мусахҳиҳ — Х. Топхўжаев.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.30

Топширилди — 03.35 1 2 3 4 5 6 7

INTEGRAL ASIA

Ноутбукларининг БУТУН линейкаси

Мобиллик ва хавфсизлик Технологиялар баркамоллиги

3 йилга тўлиқ кафолат!!!

Dell Inc нинг фақат ягона дистрибьютори INTEGRAL ASIA мўждан

Тел.: 120-30-27, 120-30-28. факс: 120-30-26.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

«Халқ сўзи» мухбири.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.30

Манзиллимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзинова. Навбатчи — С. Хайдаров. Мусахҳиҳ — Х. Топхўжаев.